



**Н**авоийлик Моҳира Баратованинг асли касби шифокорлик. Тадбиркорликда ҳам катта тажрибага эга. Бугун у асос солган "Ra'nomed" хусусий шифохонаси вилоятдаги кўзга кўринган тиббиёт масканларидан.

Тадбиркор бошчилигидаги оилавий шифокорлар беморларга энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари билан хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, стоматология йўналишида амалга оширилаётган ишлар эътиборли. "Hamkorbank"нинг Навоий филиали уларни молиявий кўмакчи сифатида қўллаб-қувватламоқда.

**Суратда: шифохона ҳаётидан лавҳалар.**

**Бекзод МУТАЛЛИБОВ** олган суратлар.

## Бу сонга:

### ЧИЗИЛМАГАН СУВРАТЛАР

Қалам аҳлининг ён дафтары мисли хазина. Титкилаган саринг ниманидир топгандай бўласан.

2-бет.

### ЮКСАЛАЁТГАН "ЮКСАЛИШ"

"Hamkorbank" АТБнинг "Юксалиш" филиали ҳақида гап борганда, биринчи навбатда, "Аҳил жамоа", дея таъриф берилади. Чиндан ҳам шундай. Ходимлар бир-бирларига устоз-шогирд.

3-бет.

### "БУ БИЗНИНГ ҲАМ БАЙРАМИМИЗ",

— ДЕЙДИ САМАРҚАНДЛИК ТАДБИРКОРЛАР

4-бет.

## ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

### ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАСИ 1 МЛРД. ДОЛЛАРГА КЎПАЙДИ



Марказий банкнинг июль ойи якунлари маълумотида кўра, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари қолдиғи 1 млрд. доллардан зиёдга кўпайиб, 35,1 млрд. долларни ташкил этди.

Бунда олтин миқдори 1,3 млрд. долларга ошиб, 21,5 млрд. долларга етган. Август ойининг бошида Ўзбекистон 11,8 млн. троя унцияси ёки қарийб 367 тонна олтин захираларини жамлаган.

### «ОҒИР» МАҲАЛЛАГА 2 МЛРД. СЎМДАН АЖРАТИЛАДИ

Ҳукумат қарори билан ривожланишда орқада қолаётган ҳамда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларнинг даромад манбаини яратиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш учун "ўсиш нуқталари" аниқланиб, ҳар бир тадбиркорлик йўналишига "етақчи" тадбиркорлар бириктирилади. Уларга 3 йил муддатгача йиллик 10 фоиз ставкада маҳалла учун 2 миллиард сўмгача кредитлар кооперация асосида ажратилади.

### ҚОВУН ВА ТАРВУЗ ЭКСПОРТИ НИСБАТАН ОШДИ

2021 йилнинг 6 ойида Ўзбекистон хорижга қиймати 7,4 млн. АҚШ долларига тенг 22,8 минг тонна қовун ва тарвуз экспорт қилди.

Давлат статистика қўмитасининг маълум қилишича, бу йил мамлакатда етиштирилган қовун ва тарвузлар 14 та хорижий давлат бозорларига етказиб берилган. Экспорт ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,5 минг тоннага, яъни қарийб 5,3 бараварга ошган.

Қалам аҳлининг ён дафтари мисли хазина. Титкилаган саринг ниманидир топгандай бўласан. Ундаги битиклар ҳам ранго ранг — ҳар даврнинг нафаси уфуриб туради. Истиқлол айёми эшик қоқиб турган айни кунларда уларни бир-бир варақлаб, айримларини эътиборингизга ҳавола этишга жазм этдим. Муддаом битта — доруломон бу кунларга етмоқ осон бўлмаганлигини англаш, юртимиздаги хотир-жам ҳаётни, тинч ва осуда кунларни қадрига етиш, халқимиз манфаати йўлида қилинган туб ўзгаришлар, ислохотлар эзгу ишларнинг дебочаси эканлигини чуқур ҳис этиш.

Олис Амриқодан келган сайёҳлар Аслиддинни кўришгач, уй меҳмонхонаси соҳибидан ажабланиб сўрашди:

— Боядан бери телевизор кўряпмиз-у, лекин бир нарсани ҳеч тушунмаяпмиз. Сизлардаги телеканалларнинг барчасида хушхабарлар, ширин суҳбатлар, кўнгилочар томошалар, ажойиб кинолар, концертлар намоиш қилинади. Бошқа кўрсатувлар қўйилмайдими?

— Агар улар ёқмаётган ё тушунмаётган бўлсанлар, — хоразмлик йигит такаллуф билан меҳмонларга юзланди. — Ўзингларга маъқул тушадиган хорижий каналларга улаб беришим мумкин. Унинг учун мана-ви қурилмани...

— Йўқ, йўқ! — меҳмонларнинг ёши каттароғи қўлини силтади. — Ўзбекдан бошқаси керакмас. Биз шунақа кўрсатувларни соғинганмиз, жудаям соғинганмиз. Келганимиздан бери маза қиляпмиз.

— Тўғри айтасан, Жордан, — гапга қўшилди ҳамхонаси. — Бизнинг телеканаллар ҳар турли “олди-қочди”, шов-шувли гаплар-у, “У ерда портлаш бўлди”, “Қуролли ҳужум қилинди”, “Уйда отиб кетишди”, “Кўчада сўйиб юборишди” каби ваҳимали, совуқ хабарлардан бўшайди. Кечаси тугул, кундузи ҳам кўчада юргани кўрқасан. Тавба қилдим-у, ҳатто яшагинг ҳам келмай қолади. Сизларда бўлса ҳаммаёқ осуда, хотиржамлик. Кишилар самимий, юзларида кулги, эртанги кунга ишонч. Бизда эса...

Сал ўтмай “Наво” каналида “Лазги”нинг шўх мусиқаси янгради. Меҳмонлар ғайрат-шижоат билан рақсга тушаётганларни кўриб, завқлари жўшиб кетди. Бирин-кетин ўринларидан туриб, ўз билганларича оёқ-қўлларини силтай бошлашди. Шодумон кунларни кўмсаган вужудлар титрар, кўзлардан дув-дув ёш оқарди.

\*\*\*

Ҳаж сафарида Абдуллажон аканинг эътиборини уларнинг гуруҳи ортидан тинмай эргашиб юрган нотаниш киши тортди. Бу одам имкон қадар уларга яқин юришга, суҳбатлашишга интиларди.

Абдуллажон ака қизиқсиниб, кимлигини суриштирди. Сочига оқ ора-лаб, кўзларига мунг инган кимса афғонистонлик экан.

— Анча йиллар аввал ёвуз жангарилар икки норғул ўғлимни кўз олдимда чавақлаб ташлашди, уй-жойимга ўт қўйишди, ўзимни кишанга солишди, — деди у чуқур хўрсиниб қўйгач. — Айбимиз ўзбеклигимизда, сафларига қўшилишни истамагани-

мизда эди. Аллоҳнинг инояти билан уларнинг қўлларидан бир амаллаб кутилиб қолдим. Қон тўкилган жойда яшаш қийин экан. Қанийди, бир юмалаб қушга айлансам-у, боболарим макони — Ўзбекистонга учиб кетсам. Сизларга ҳавас қиламан: халқига

меҳрибон ва ҳамиша ғамхўр Президентингиз, тинч ва осуда Ватанингиз бор.

Ўзим Афғонда бўлсам-да, қалбан Ўзбекистондаман. Ортларингдан юрганимнинг боиси шунда. Агар изн берсангиз, бир ўтинчим бор эди.

— Қўлимдан келса, марҳамат, — Абдуллажон ака ўзини Муҳаммад Ризо дея таништирган одамга самимият билан тикилди.

— Ўзинглар билан олиб юрган Ўзбек яловини тавоф қилсам майлими?

Мошгуруч тусдаги соқолини умидворлик билан силаб турган ота-хон таҳоратини янгилатди, байроқни



меҳр билан силаганча узоқ жим қотди. У борлиқни унутган, тиз чўкканча байроқни бағрига босиб, нималарнидир пичирларди. Кейин онасини соғинган бола-кай каби уни ютоқиб ўпишга киришди. Анчадан сўнг ўзига келгач, кўз ёшларини артганча Абдуллажон акага юзланди.

— Муродимга етказганига шуқр. Биласизми, миллатдошим, яловинглар ҳамманикидан ўзгача. Бош қўйсанг, Ўзбекистоннинг хуш нафасини сезасан. Дунёнинг қай гўшасида туғилган бўлмайлик, у биз — хорижий ўзбекларнинг ҳам туғидир. Қаранг, ундаги юлдузлар хаёлан бир-лаштирилса, арабий “Аллоҳ” битиги зухурланади, дейишарди. Айтганлар

ҳақ экан. Аллоҳ назари тушган бобо-калонларимиз юртидан тинчлик-тотувлик, файзу барака асло аримасин, илоийм.

Аллақачон қувончу шодлиқни унутган юз-кўзларда энди ажиб бир шуқуҳ намоён эди.

\*\*\*

Ўтган асрнинг 70-йиллари, собиқ шўро даври “қилмишлари” авжига чиққан кезлар. Жамоа ҳўжалиги (у пайтда “колхоз” дейиларди) бош ҳисобчиси ва кассири пештоқига “Пахтабанк” ёзуви битилган бинога киришгач, навбатда турганлар қаторига қўшилишди. Банк раҳбарининг қора дерман-

тин қопланган эшиги ҳар очилганда тўпланганлар хонадан чиққан мижозни саволга тутишди: “Каттанинг кайфиятини яхшими?” “Ишқилиб инжиқлик қилмаяптми?”, “Неча сўмлик “йўталдингиз”?”, “Индамай имзо қўйиб бердимми ё...”

Тушдан кейин ва ниҳоят биз тилга олган “колхоз”дагиларга навбат етди. Стол чироғи ёруғида нималарнидир ўқиб ўтирган тепакал бошлиқ одатига кўра минғирлаб сўради:

— Хўш, хизмат?

— Калхўзчиларимизнинг июнь ойи меҳнат ҳақи учун...

Хона соҳиби аста бошини кўтариб, истеҳзо билан келгувчиларга кўзойнаги ортидан боқди.

— Июнь ойи учун пулмиш, — у энсаси қотиб, бармоқларини столга чертди.

— Ҳозир сентябрь, энди уч ой бўлибди, намуноча шошасизлар?

— Даладагилар меҳнат ҳақимизни беринглар, деб ҳол-жонимизга қўйишмаяпти. Кимдир тўй, кимдир уй қилмоқчи, хуллас, ҳаммага пул керак.

— Ҳа, ҳаммага пул керак. Масалан... бизга ҳам. Лекин банкда пул йўқ, ўқдингларми? Борини тийинлаб пахта мавсумига тўплайпмиз. Гап тамом!

— Бир иложини қилинг, Каттахўжа ака, — бош ҳисобчи тўрдаги столга яқинлашиб, аста шипшиди. — Раисимиз “қуюқ салом” айтворди.

— Ҳм-м, шундайми, — раҳбарнинг тунд чехраси ёришди. — Фақат сизларнинг “Авангард” колхозингларга пул берамиз, холос. Ташқарида ортиқча гап-сўзлар бўлмасин, хўпми?

Бошбух билан кассир, қадимги подшоҳлар ҳузурида турган мулозимлар сингари, қўлларини кўксиларига қўйганларича орқаларига тисланишди.

1991 йил 1 сентябрининг шуқуҳли кунда истиқлолга юз тутган мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида юз берган яна бир муҳим воқеа юқоридаги каби ноҳуш ҳолатларга кескин барҳам берилишига мустаҳкам замин яратди. “Ўзбекистонда “Андижонбанк” акциядорлик-

тижорат банки иш бошлабди!” деган хушхабар чор-атрофга ёйилди. “Манман” деган банклар билан рақобат қила олармикин?” дегувчилар ҳам йўқ эмасди. Аммо янги банкнинг ўзига хос стратегияси ва мижозлар билан ишлашга мутлақо бошқача ёндашуви эски қарашларни тубдан ўзгартириб юборди. Йиллар силсиласида чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” АТБга айланган мазкур молия муассасаси тизимда чинакам инқилобий ўзгаришларни рўёбга чиқара бошлади. Мижозга ҳурмат-эҳтиром, юксак хизмат маданияти, тезкорлик, ишончли ҳамкорлик унинг мақомини кун сайин ошира бошлади. “Ривожланаётган бозор шароитида Осиё минтақасидаги энг яхши банк” (2013 йил) деб топилган муассасанинг халқаро миқёсда нуфузи тобора ортиб борапти. Бугунги кунда унинг республикаимизнинг тур-

ли ҳудудларида 46 та филиали мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

— “Банкимизга хуш келибсиз! — ораста кийинган банк ходи-

ми мижозни мамнуният билан кутиб олгач, ташрифи билан қизиқсинди. — Корхонангиз жамоасининг ойлик иш ҳақини ҳеч бир муаммосиз ҳозироқ тегишли ҳисобга ўтказиб берамиз. Банкимиз хизматидаги фойдаланаётганингиз учун миннатдормиз”.

Бугун айтилаётган бундай гап-сўзлар бундан бир неча ўн йиллар аввал бамисоли эртақдай туюларди.

\*\*\*

Халқаро анжуманга борган ҳамюртимиздан оврўполик ҳамкасби сўрабди:

— Яқинда телефильм кўрдим. Унда Ўзбекистонда лайлаклар бемалол ин қуриб, яшаётганлигини кўрсатишди. Наҳотки шу рост бўлса?

— Ҳа, рост. Биз учун бу оддий ҳолга айланган.

— Эшитишимча, одамларнинг уйларида қалдирғочлар уя қуриб яшармиш.

Яна юқоридаги жавобни эшитган жаноб ўзбек олимнинг елкасидан кучибди.

— О, ахир бу қушлар тинчлик, осудалик бор жойда яшашни маъқул кўришади-ку?! Демак, тушунарли: юртингизга бормаган бўлсамда, унинг қандай эканлигини англадим. Бахтли одам экансизлар.

\*\*\*

Ёшлиқда — ўқувчилик чоғимда, наридан-бери чизилгандек туюлган музейдаги чоғроққина суратни кўриб, елка қисгандим. У назаримда бошқаларга қараганда оддий эди: кўм-кўк осмону унда хотиржам қанот қоқётган оппоқ кабутар.

Улғайгач англаб етдим: у тинчлик тимсоли сифатида сувратларнинг энг бебаҳоси, ёнидагиларга қараганда қадрли ва ардоқлиси экан.

Бугун яна ўша сурат рўпарасидаман. Хаёлан оқ кабутарлар оғушида қолдим. Ана, тинчлигимиз нишонлари чарх уриб кўкка талпинишмоқда; бобо куёшнинг тиллоранг шуълалари қанотлари узра ўйноқлайди; пастда — бахт ва шодлик яллалари янграётган жаннатмонанд гўша — менинг Ўзбекистоним...

Қанотингизни баралла қоқинг, парвозингиз янада юксак бўлсин, кабутарларим!

Ҳалимжон ТОҲИРОВ.

Сайловлар кишилик жамиятининг бир неча асрлик тарихий ривожланиши маҳсули бўлиб, давлат ва жамиятнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадида пайдо бўлган институтдир. Бугунги кунга келиб, жаҳондаги деярли барча мамлакатларда (мутлақ монархия бошқарувига эга бўлган мамлакатлар бундан мустасно) давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган.

# БИР САЙЛОВЧИ — ОВОЗГА ЭГА

Хусусан, Сайлов тизимлари бўйича халқаро жамғарма тадқиқотчилари томонидан ўтказилган махсус тадқиқотларга кўра, 1950 йилларда дунё мамлакатларида олий даражадаги ҳокимият органларига 200 га яқин сайлов ўтказилган бўлса, 1990 йилларда уларнинг сони 600 тани, 2010 йилларга келиб 800 тани ташкил этган. Бугунги кунда бу тизим янада кенгроқ тараққий этганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда сайловлар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми сифатида шаклланиб келмоқда. Ўз навбатида ўтган вақт давомида сайлов қонунчилиги ҳам шакллантирилиб, ундан Ўзбекистон Республикаси Президентлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар жараёнини тартибга солиш ва ўтказишда фойдаланиб келинди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлис палаталарига қилган Мурожаатномасида сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган яхлит ҳужжат қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Қисқа вақт ичида миллий қонунчилигимиздаги сайловга оид бешта ҳуқуқий ҳужжатни ўзида бирлаштирган сайлов кодекси ишлаб чиқилди. 2019 йил 26 июндан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг



## Сайлов-2021

сайлов кодекси Президентлик, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи қонунларни ўзида бирлаштирган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Хусусан, янгидан қабул қилинган Сайлов кодексида ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тавсиялари ҳамда умумий сайлов ҳуқуқи, тенг сайлов ҳуқуқи, яширин овоз бериш ҳуқуқи каби тамойиллар ўз аксини топган. 2021 йилнинг 31 май куни имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси"га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлаш, сайловларда жараёнида ҳамда сайловда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли кенг қатламига ўз фуқаролик позициясини намоён этиш учун кенг имкониятлар яратиш берди.

Яна бир муҳим янгилик — "Бир сайловчи — битта овозга эга" тамойилини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистоннинг

миллий сайлов тизимига Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати жорий этилмоқда.

Эндиликда, электрон рўйхатдан ўтган сайловчилар республикамизнинг исталган ҳудудидан туриб ўзига қулай бўлган сайлов участкаси орқали овоз бериш ваколатидан фойдалана олади. Шу билан бирга, сайлов органлари бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳам замон талаблари даражасида такомиллаштирилмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиш лозим. Янги қабул қилинган Сайлов кодексида овоз бериш муддати эрта-лаб соат 8:00 дан кечки 20:00 гача этиб белгиланган. Бу фуқароларимизга, айниқса, олис тоғли ҳудудларда истиқомат қиладиганларга кўплаб енгилликлар яратиш беради. Шунингдек, Сайлов кодексининг 57-моддасида назарда тутилган тартиб бўйича эса сайлов куни ўз яшаш мазилида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларнинг муддатидан олдин ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳеч шубҳасиз, жорий йилнинг 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайлови конституциявий қоидалар ҳамда халқаро сайлов андозалари, демократик тамойиллар асосида очиқ-ошкора тарзда ўтказилиши таъминланади.

**Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,**

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.*

**Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари раислари лавозимини алоҳида жорий этиш кейинги вақтда сиёсий соҳада олдинда турган долзарб вазифалардан бирига айланди. Албатта, ўта масъулиятли вазифа. Давлатимиз раҳбари томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.**

## КЕНГАШ РАИСИ ҚАЧОН АЛОҲИДА БЎЛАДИ?

Тўғри, бугунги ислохотлар маҳаллий давлат ҳокимлиги билан кенгашларни бир вақтда ҳокимларнинг бошқариши у қадар ўринли эмаслигини кўрсатмоқда. Айтайлик, ҳудуддаги энг долзарб масала юзасидан ҳоким халқ вакиллари олдида ҳисоб бериши керак. Бунинг учун унинг ўзи кенгаш раиси сифатида ҳам фаолият юритишини оқлаш қийин. Агар кенгаш раиси алоҳида бўлса, ҳаммаси қонун асосида амалга ошади.

Айни шу мақсадда соҳадаги ислохотларнинг бошланиши сифатида биринчи қадам қўйилди. Аниқроқ қилиб айтганда, маҳаллий кенгашларда депутатлар фаолиятини жонлантириш ва

кенгашларнинг мақомини кўтариш мақсадида котибиятлар иш бошлади. Бу кенгаш ва депутатлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Яна бир қадам, сессияларни кенгаш раиси ўрнига тажрибали депутатлар томонидан бошқарилаётгани. Бу ҳам муҳокама этилаётган масалаларни ҳолисона кўриб чиқиш имконини беради.

Кенгаш раиси масаласига келсак, бунга вақт керак. Бунинг учун, аввало, муносиб номзодларни танлаш, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқарув бўйича ўқитиш лозим. Агар шу талабларга жавоб бермас экан, кенгаш раисини алоҳида қилиш билан кенгашнинг кучини оширишга эришиб бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимларнинг маҳаллий вакиллик органлари раҳбарлари сифатидаги ваколатларини бекор қилиш ва алоҳида халқ депутатлари кенгаши раиси лавозимини жорий қилиш, кенгашларда доимий асосда ишловчи депутатлар фаолиятини ташкил этиш, халқ депутатлари Кенгаши раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш маҳаллий кенгашларни чин маънода сиёсий институтга айланишига хизмат қилади. Ўзбекистонда сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар буни кўрсатиб турибди.

**Малохатхон МУСАЕВА.**

## МИЖОЗЛАР ҚУТЛОВИ

2017 йилда "Hamkorbank"да ҳисоб рақам очиб фаолиятимизни бошладик. Жамиятимиз нефть маҳсулотларининг импорти ва улгуржи савдоси билан шуғулланади. Фаолиятимизнинг кенгайишида банкнинг ўрни беқиёс. Ҳамкорлик учун айнан "Hamkorbank" АТБни танлаб адашмаган эканмиз. Сабаби, шу ўтган давр мобайнида банк билан ташкилотимиз ўртасида ўзаро манфаатли шартлар асосида бир неча шартномалар имзоланиб, йирик миқдордаги кредитлар ажратилди.



## СИЗ ҲАМ «НАМКОРВАНК»НИ ТАНЛАНГ

"Hamkorbank" АТБ мамлакатимиз иқтисодиёти, молия бозорида ўз ўрни ва нуфузига эга. Уни янгилликларга интилувчан, "банк мижоз учун" шиори остида ишлайдиган, замон билан ҳамнафас бўлган банк сифатида қадрлаймиз. Айниқса, кадрлар салоҳияти, банк ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишига бўлган эътибор ва рағбатини жуда маъқуллаймиз. Зотан, ташкилотнинг тараққий этиши, кенгайиши, юксак натижаларни қўлга киритиши кучли, билимли ва аҳил жамоанинг шижоати ва ғайратига боғлиқдир.

Банк томонидан кўрсатилаётган барча хизматлардан мамнунман ва доимо дўстларимга шу молия мусасаси билан ҳамкорликда ишлашни тавсия қиламан.

"Hamkorbank" ташкил топганига 30 йил тўлди. Шу муносабат билан банкнинг ривожланиши, мижозлари сонининг ортиши ва хориждаги нуфузи янада мустаҳкамланишини чин дилдан истайман. Байрамнингиз муборак бўлсин!

**Ш. ИСАҚОВ,**

*Марғилон шаҳридаги "FERLEV" МЧЖ раҳбари.*

**Бизнинг "Bahor hamkorlik ittifoqi uyushmasi" таркибига кирувчи корхоналар сони бугунги кунда 30 дан ортиқ бўлиб, улар асосан савдо, ишлаб-чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланади. 2006 йилда масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Buxoro Bahor" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасига асос солинган бўлиб, ушбу корхона кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

## ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ

Кейинчалик кир ювиш кукуни ишлаб чиқариш хомашёларини маҳаллийлаштириш дастури доирасида "Buxoro Labsa" МЧЖ ҚҚ, "Bukhara Waterfall Garden" МЧЖ ҳамда "Bukhara Laminant Luxe" МЧЖ ҚҚлари ташкил этилиб, маҳсулотлар хомашёларини маҳаллийлаштиришга эришилди. Ушбу корхоналар фаолиятини ташкил этиш мақсадида асосий воситалар ва айланма маблағлар хариди учун "Hamkorbank" АТБ томонидан доимий равишда кредитлар ажратиш келинмоқда.

Банкнинг иқтисодий ёрдами билан 2016 йилда "Bahor Chance Textile" МЧЖ шаклидаги ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаси, 2019 йили эса "Bahor Chance Textile" МЧЖ негизда пахтачилик кластери ташкил этилди. Натижада "хомашёдан — тайёр маҳсулотга қадар" тамойили асосида иш йўлга қўйилди.

Корхонамиз йилдан-йилга ривожланиб, фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Ушбу мув аффақиятларда "Hamkorbank"нинг салмоқли ҳиссаси бор. Бизнинг узоқ йиллик ишончли ҳамкоримиз ҳамisha юксалишини тилаймиз. Унинг қутлуғ 30 ёши билан табриклаймиз! Келгусида ҳам биргаликда самарали фаолият юритишдан умидвормиз.

**Ў. ҒОФУРОВ,**

*Бухоро вилоятидаги "Bahor hamkorlik ittifoqi uyushmasi" раҳбари.*

# ЮКСАЛАЁТГАН “ЮКСАЛИШ”

**“Namkorbank” АТБнинг “Юксалиш” филиали ҳақида гап борганда, биринчи навбатда, “Аҳил жамоа”, дея таъриф берилади. Чиндан ҳам шундай. Ходимлар бир-бирларига устоз-шогирд. Бир иш бошланса, четда туриш йўқ. Ҳатто тўй ва бошқа маросимлари ҳам биргаликда ўтказилади. Шу сабаб бу муассасада ишловчилар ўз жамоаси билан доим фахрланади.**

“Биргаликда юксалиш сари!”. Айнан шу сўзлар жамоамизнинг шиорига айланган. Филиалимиз 2002 йилда наманганликлар учун ўз эшикларини очди. Дастлаб 25 нафар ходим билан иш бошлаган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 80 дан ортиқ.

2004 йили институтни тамомлагач, мен ҳам ушбу молия муассасасини танладим, фронт офис иш ўрганишчи бўлиб ишга кирдим. Оддий ходимликдан филиал раҳбари даражасига кўтарилдим. Кўп устозларни кўрдим, улардан сабоқ олдим.

Жамоамиз изланувчан ва билимли ёшлар билан шаклланган. Қувноқлик ва хуш кайфият билан бошлаган ҳар куннинг қадрига етиб яшаш ва бир-биримизни эъзозлашга одатланганмиз. Ва асосийси, жамоада ишонч, меҳр-оқибат туйғулари мавжуд. Мижозларимизнинг кундан-кунга кўпайиб бораётганининг сири ҳам ана шу ишончда.

Ҳар бир ходимимиз ҳақида қанча гапирсак оз. Улар ўз вазифасини аъло

даражада бажаришга одатланган. Мисол учун, 14 йилдирки, орасталик билан курашиб келаётган Ақида опа Ҳасанова филиал ходимларини онасидай бўлиб қолган. Тозаликни яхши кўради. Ҳатто салкам иқтисодчи десак, бўрттириш бўлмас. Чунки ҳар тонгда биринчи бўлиб банкка шу опа келади. Ходимлар келгунича мижозларнинг

## ДОИМ БИРИНЧИ УЧТАЛИКДАМИЗ

саволларига жавоб берадиган ҳам у.

Вилоятда 16 номдаги банклар аҳолига хизмат кўрсатади. Рейтинг бўйича доим биринчи учталикдан тушмаймиз. Агар “Банкнинг келажагини қандай тасаввур қила оласиз?” дея сўрашса, кўпи билан 5 йилда қўшни мамлакатларда ҳам “Namkorbank”нинг филиаллари очилади ва қардош халқларга сидқидилдан хизмат қилади, дея иккиланмай айта оламан.



Мўъжазгина кутубхонада маънавият соатларини ўтказиш одатга айланган. Бундан ташқари, ҳар ойда ўтказиладиган иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий машғулотларни интизорлик билан кутган жамоанинг билими ортмоқда. Ҳамкасбларим зиммасига юкланган ҳар бир вазифа вақтида бажарилгани боис ҳам ҳурмат қозonganмиз. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимиз ва ҳамкасбларимизни Ватанимиз мустақиллиги ҳамда банкимиз ташкил топганлигининг 30 йиллик тўйи билан самимий кутлайман.

**Жаҳонгир ОТАВАЛИЕВ,**  
филиал раҳбари.

Тошкент халқ хўжалиги институти тамомлагач, ҳаётимни банк билан боғладим. Ишимни севдим ва сидқидилдан хизмат қилиб ҳурмат, эъзоз топдим. Турмуш ўртоғим ҳарбий соҳа ходими бўлганлиги боис юртимизнинг турли ҳудудларида яшашга тўғри келганда ҳам фаолиятимни банкда олиб бордим. Икки фарзандимни шу касбим билан содиқ, эл-юртига хизмат қиладиган инсонлар қилиб вояга етказдик.

## ҲУРМАТ ТОПГАН ЖАМОАМ

Филиалимизда бир нечта раҳбарлар етакчилик қилди. Аммо тартиб-интизом, ҳамкасбларимнинг бир-бирларига бўлган ҳурмати доим самимий бўлди. Ҳозир ҳам ўша туйғулар йўқолмаган.

Баъзан ўз-ўзимга савол бераман: бошқа соҳада ишласам қандай бўларкин? Жавобим ҳам тайёр: “Мен учун бошқа соҳа йўқ! Бу менинг қатъий қарорим. Банкда ишлаб кам бўлмадим. Мени доим қўлловчи жамоам бор. Яна шу жойда ҳурмат топдим. Демак, менинг ўрним шу ерда. Бундан бахтлиман.

**Махсудахон МЎМИНОВА,**  
ички назорат ходими.

**Наманган муҳандислик - иқтисодиёт институти тамомлагач, бироз хусусий корхоналарда ишладим. Болалигимда банкда ишлашни ният қилгандим. “Беғубор дамлардаги орзуларга фаришталар “омин” дейди” деб айтардилар онам- амалга ошди.**

## ТЕНГДОШЛАРИМ МЕНГА ҲАВАС ҚИЛАДИ

“Юксалиш” филиалига танлов асосида ишга қабул қилиндим. Ҳозирда тажрибали устозларимдан касб сирларини ўрганиш баробарида маҳоратимни ҳам чархлаб борапман. Кўп китоб ўқияпман. Яқинда Аҳмад Лутфий Қозончининг “Саодат асри қиссалари” китобини тамомладим. Муталаа борасида ҳамкасбларим билан бемалол баҳслаша оламан.

Ишим ва жамоадошларимга атрофдагиларнинг ҳаваси келади. Ўйлаб кўрсам, банкда муомала, кийиниш маданияти, қатъий тартиб-интизомга риоя қилиш каби ижобий хислатларга ҳам эга бўлибман. Яна ҳар кун ишнинг севган ишимга шошаман, кейин эса оилам, яқинларим даврасига ошиқаман. Машинали бўлдим, молиявий тўқисликка эришдим. Зиммамга юклатилган топшириқларни ўз вақтида бажариб, озми-кўпми, юртимиз ривожига ўз ҳиссамни қўшмоқдаман.

**Баҳодир ИСМОИЛОВ,**  
кичик кредитлар сотиш бўйича етакчи менежер.



## “ҲАР ҚАНДАЙ КАСАЛЛИКНИ МЕҲР БИЛАН ЕНГАМИЗ!”

лов ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Бугун филиал касаба уюшмасининг 69 нафар аъзоси бор. Ходимларнинг саломатликлари алоҳида назоратда. Касаллик жамоа руҳини синдирилмайди. Бу борада бир-биримизга мотивация берапмиз. Масалан, ёзнинг илк ойида икки кун “Ал-Фарғоний” дам олиш уйида бўлди. Ҳордиқ чиқариш баробарида тиббий муолажалар олинди.

Поп туманининг Чодак дам олиш масканида ташкил этилган кўнгилочар тадбир ҳам барчага ёқди. Мазмунли ҳордиқ нафақат кайфиятимизга, балки, ишнинг ривожига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ҳамон ўша кайфиятдамиз.

Саломатликнинг асоси — спорт. Шу сабаб тез-тез спорт тадбирлари уюштирилади. Айниқса, футбол жамоамиз доим пешқадам. Ютуқларда чаққон ва абжир жамоа сардори Жамшид Ражаповнинг муносиб ҳиссаси бор. 2014 йилдан буён филиалар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда ғолибликни бермай келяпмиз.

**Муродилло ХОЛИҚОВ,**  
Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси.

Айниқса, моддий етишмовчилик маънавий қўсурларни келтириб чиқаради. Шунингдек, тушкун кайфият ҳам бундан мустасно эмас. Бу борада банк касаба уюшма қўмитаси ходимларни эътибордан четда қолдирмади. Касалликни бартараф этиш ва уни енгиб ўтишда руҳий қувват берди. Уюшма томонидан берилган моддий ёрдамлар ходимларнинг иш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Пандемик чекловлар туфайли мижозларимиз анча камайдди. Биз эса бекор ўтирмадик, ободончиликка эътибор қаратдик. Ҳашарлар ташкил қилиб, озодалик билан касалликка барҳам беришга киришдик. Банк ҳовлиси, ташқи тарафи, мини банк бинолари ва яшаш хонадонларимизда тоза-

Самарқандда “Hamkorbank” АТБнинг ишончли мижозлари кўплаб топилади. “Sam rafoat tekistil” масъулияти чекланган жамияти ана шулардан бири. Бахмал ва сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонанинг ривожланишида банкнинг молиявий кўмаги катта. Жамият раҳбари, ёш тадбиркор Шухрат Ҳамдамов янги бир лойиҳага қўл уришда албатта банк ходимлари билан бамаслаҳат иш юритади. Беш йилдирки, уларнинг ҳамкорлиги даромадлар манбаига айланган.

## "БУ БИЗНИНГ ҲАМ БАЙРАМИМИЗ", — дейди самарқандлик тадбиркорлар

Тадбиркор ўз фаолиятини савдодан бошлаган. Хориждан тўқимачилик маҳсулотлари келтириб, бозорда сотарди. Юртимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор, ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун берилган имтиёзлар уни ташаббусга бошладди. Энди у четдан маҳсулот эмас, технология олиб келишни мақсад қилди.



— Дастлаб АҚШдан замонавий технология келтириб, бахмал ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Қисқа муддатда ишимиз юришиб, маҳсулотимизга ички ва ташқи бозорда харидор ҳам топилди. Аммо бозорни ўрганиш жараёнида бу маҳсулотнинг экспорт географияси кенг эмаслигини сезгач, 2014 йилда сочиқ ишлаб чиқаришни ҳам бошладик. Хорижий давлатлардан келтирилган замонавий ускуналар ҳар қандай ўлчам ва дизайндаги сифатли сочиқлар ишлаб

чиқариш имконини берди.

Корхона фаолиятининг кенгайиши маблағ билан боғлиқ. Бу борада “Hamkorbank”нинг Боғишамол филиали яқин кўмакчи бўлди. 2018-2020 йилларда 4 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит ҳисобига янги технологиялар сотиб олинди. Натижада қўшимча иш ўринлари яратилди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Сифат бош талабга айланди.

Айни вақтда тайёрланаётган маҳсулотларнинг қарийб 80 фоизи Россияга экспорт қилинади. Ҳар йили катта миқдордаги экспорт шартномалари муваффақиятли амалга ошириляпти. Экспорт ҳажмининг кенгайиши жамоани янги лойиҳалар



устида ишлашга ундамоқда.

Тадбиркорнинг таъкидлашича, республика-мизда замонавий парда ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарур. Бу турдаги маҳсулотлар асосан четдан келтирилмоқда. Шу сабаб навбатдаги қадам айна шу йўналишга қаратилди. Ҳозирда қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Лойиҳа амалга оширилгач, 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Энг муҳими, экспорт салоҳияти яна бир неча баробарга ортади.

— Мустақиллик тенгдоши бўлган “Hamkorbank”нинг ташкил топганига 30 йил тўлди, — дейди Шухрат Ҳамдамов. — Бу бизнинг ҳам байрагимиз. Молия муассасалари орасида ўз ўрнига эга бўлган банкимизни янада юксалишига тилакдошман. Ҳамкорлик ютуқларимиз асоси бўлишига ишонаман.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**  
Анджон-Самарқанд-Анджон..

## “НАМКOR SUG‘URTA” НАВОЙИЙ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*“Hamkorbank”нинг 30 йиллик байрами билан қизгин табриклайди.*

Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, ободлиги ва син. халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларда омад тилаймиз. Иқтисодиёт давлат ривожининг қон томири демакдир. Бунда молия бозорининг асоси-банкларнинг алоҳида ўрни бор. Бугун ўзининг 30 йиллик тўйини нишонлаётган “Hamkorbank” бу йўлда дадил одимлаб бормоқда. Унинг ривожланиши бардавом бўл-

Биз суғурта ходимлари ҳам банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларга камарбастамиз. 2021 йилнинг 7 ойида белгиланган режаларни ортиғи билан бажариб, тўйга муносиб тўёна тайёрладик. Бошқа тушумлар бўйича топшириқлар 107.5 фоизга бажарилди. Бу - тизимда вилоятлар орасида энг юқори кўрсаткич демакдир.



**“Hamkorbank” билан ҳамкорликда ишлаётганимиздан мамнунмиз!**

Самарқанд дейилганда, машҳур нонлар кўз олдимизга келади. Уларнинг ўзига хос мазаси, кўриниши, сифати неча замонлардан бери барчани ҳайратлантиради. Галаосиё маҳалласида истиқомат қилувчи Орзиқул Зоҳидов билан суҳбатлашиб, бунинг сирини билгандек бўлдик.

# САМАРҚАНД НОНЛАРИНИНГ СИРИ

Самарқанд шаҳридаги бу маҳалланинг аксарият аҳолиси новвойлик билан шуғулланади. Бунинг ҳам ўзига хос тарихи бор. Маҳалладан Сиёб ва Оби раҳмат ариқлари ўтган. Улар тезоқар ариқ бўлиб, баъзи жойлари баланддан пастга қараб тушади. Шунгами, бу ерда тегирмонлар кўп бўлган. Тегирмончилар янчилган буғдой чангини йиғиб, алоҳида халтага солган ва ўзлари нон қилиб ейишган. Ажабланарлиси, бир хил ундан тайёрланган нонлар бу маҳаллада истиқомат қилувчиларникичалик чиройли, шаклдор ва мазали чиқмаган. Аста-секин маҳаллада тегирмончилардан новвойлар авлоди шаклланган.

Новвой Орзиқул Зоҳидов 4-авлод вакили ҳисобланади. Галаосиё нони машҳурлигининг сири унга бериладиган меҳр ва кўп сарфланган меҳнатда, деб билади.

— Аввало, нон тайёрлашда алоҳида тоза ва озода хона керак,

— дейди новвой. — Хона ҳароратининг 25 даража иссиқ бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу вақт мобайнида имкон қадар хамир тайёрланадиган хонага ҳеч ким кирмайди. Хона ҳароратининг пасайиши нонларнинг кўринишига таъсир этади. Улар ялтираб чиқмайди, четлари ёрилади. Нонларимизга бир сутка давомида ишлов берилади ҳамда кўп куч сарфланади. Чунки хамир қаттиқ қорилиб бир соат мушланади. Зувала қилиниб дам олишга қўйилади. Кечки пайт қилинган зувалалар саҳар соат 3.00 да ясалади ва яна 4 соат дам берилади. Галаосиё нонларига ун, туз ва сувдан бошқа маҳсулот қўшилмайди. Мисол учун, бошқа ҳудудларга ноннинг мазасини яхшилаш учун ёғ, тухум, сут каби маҳсулотлар қўйилади.



Новвойларимиз бир халта унга 100 грамм хамиртуруш қўшса, биз бир қошиқ қўшамиз. Газда 15-20 дақиқа пиширилган нонда хамиртурушнинг бактериялари айрим жойларда ўлмай сақланиб қолади. Ва ўз жараёнини давом эттиради. Натижада нон тез бузилади. Галаосиё нонлари берч бўлиб, ярим соат ўтинда сингиб пишгани учун деярли хамиртуруш бактериялари қолмайди. Хамирга берилган бир неча жараёнли ишлов ноннинг сифати, шаклушамойилининг чиройли чиқишини таъминлайди.

65 ёшли новвой "эрталаб югурмайман, жисмоний машқларни бажармайман, аммо Аллоҳга шукур, соғломман", дейди. Бунинг сирини ҳам, албатта, касбида деб билади. Чунки нон пишириш жараёнининг ўзи жисмоний машқлардан иборат. Ҳаракат эса саломатлик демакдир.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

## ИБРАТ

Луқмони ҳақимдан сўрадилар:

— Одамларнинг доноси ким?

— Ҳаёт ташвишларидан дилтанг бўлмагани.

— Баланд ҳимматлик кимдур?

— У неъматларини бу дунё неъматларидан устун қўйган киши.

— Одамларнинг қудратлиси ким?

— Ақли комил бўлгани.

— Ул қандай шаробки, ичувчисини яланғочлайди?

— Шаҳват.

— Ул қандай оловки, ўз ёқувчисини куйдиради?

— Ҳасад.

— Ул қайси биноки, ҳеч хароб бўлмас?

— Адолат.

— Ул қандай аччиқликки, охири ширин бўлур?

— Сабр.

— Ул қандай ширинликки, охири аччиқ бўлур?

— Тезлик.

— Ул қандай беморликки, табиблар унинг муолажасидан ожиздур?

— Аҳмоқлик.

Ҳар куни ишга бозорнинг гавжум йўлидан ўтман. Вояга етмаган болаларнинг савдо қилаётганини кўриб, бу беғубор дамлар қайтарилмаслигини ўйлаб қоламан. Қовун-тарвуз сотаётган нозик, аммо жуда абжир болага кўзим тушди. Қизиқиб суҳбатга тортидим.

— Савдоинг роса юришибди-ку. Ҳар куни бозорга чиқасанми?

— Ҳар куни. Дадамга ёрдам бераман.

— Таътилда дам олсанг ёки тўгаракларга қатнасанг бўларди, бозорга чиқмай?

Бола сўзларимни чўрт кесди:

— Нима бу фойдали эмасми? Полизимизда қовун-тарвузнинг сархиллари бор. Роса меҳнат қилдик. Энди "сезон"да иш қилволишимиз керак-ку? Дадамга ёрдам берамман, буни нимаси ёмон? Ўзимга ёқади.

Нарироқда ўтирган отаси ўғлининг жавобидан "қониқдингизми?" дея мийиғида кулиб қўйди.

Фарзандларимиз ёшлигидан меҳнатга ўргангани яхши. Бироқ ҳамма нарсанинг ўз вақти, ўз ўрни бор. Газли ичимликлар сотаётган бола ўзини Санжар деб таништиради. Тиллашиб қолдик чамаси, кўнглини ёзди.

— Бу йил 7-синфни тамомладим. Мен ҳам уйда салқинда китоб ўқиб, телевизор кўриб, тенгдошларим билан ўйнаб юришни ёқтираман.

Санжарнинг олдига чанқаган мижозлари келиб,

суҳбатимиз бўлинди. Унинг кўнглидагини эшитиш учун кутдим:

— Акам мактабни аъло баҳоларга тамомлади. Ўқиб, яхши одам бўлишни истайди. Бироқ онам бетоб бўлиб қолган, биз пул топишимиз зарур. 2 синглим, дадам ҳам борлар.

— Даданг бор экан-ку? Сўзимни тугатмай Санжар

риб, бездирмагандир, сизларни?" Бирор сўз айтишни билмай ундан узоқлашдим. Нарироқда бизни кузатиб турган йигит "Юринг, четроққа ўтайлик, озгина суҳбатлашамиз", дея исми Нодир эканлигини айтди.

— 36 ёшдаман. Санжар уч йилдан буён сув сотади. Унинг қалби жуда нозик. Ёш туриб анча эзилган. Унинг

# Бозордаги Болалар

ёхуд беғубор дамларини пулга сотаётганлар ҳақида

жаҳл аралаш қаттиқ-қаттиқ гапирди:

— Дадам кўп ичади. Биз онамнинг дорисига, рўзғорга пул топамиз. Яшириб қўйган жойимиздан ҳам олиб чиқиб кетади, ичиб келиб жанжал қилади. Онам бечора "тинч ўтирайлик, индамаларинг" деб, барибир, пул беради.

Тавба-тавба бу мурғак қалбда шунчалар дард? Фарзандлари олдигаги бурч ва вазифаларини бажармаётган отадан шунчалар ғазабнок.

Ўйлаиб қолганим ҳам ёқмади, шекилли: "Сизнинг отангиз қандай бўлган? Ичиб, ҳар куни уйда жанжал кўта-

ҳозирги ҳаёти болалигимни ёдимга солади.

Гапни нимадан бошлашни, қандай хотирлаб, қандай сўзлашни ҳам билмайман. Уч қиздан кейин туғилган эканман.

5-синфни тамомлаш арафасида онам вафот этди. Отам бошқа аёлга уйланди. Бошида биров яхши яшадик. Опаларимнинг орзулари орзулигича қолиб кетди — уларни эрта турмушга беришди. Мени эса ўғай онам сиғирмай қўйди-ҳар куни калтак, ҳақорат... Отам ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдай тутарди.

## Ҳаёт манзаралари

Тоғам "синглимдан қолган ёдгорим" деб уйига олиб кетди, у ерда ҳам ҳаётим осон ўтмади. Улар тонгда ишга кетиб, шом қайтардилар. Келинойимнинг "текинхўр" дейишидан тўйиб, қўшнимиз билан бозорга чиқиб кетдим. Қилмаган ишим қолмади, пул топиш учун. Энг мақбули арава тортиш ёқиб қолди. Биров сўкмайди, чиқим қилмайман. Кунлик пулимни келинойимга бераман.

Боши қўйи эгилган Нодирнинг елкалари силкинарди-йиғлапти. Сўзини давом

менинг пулларимга келган, десам ишонасизми? Йўқ, ишонмасиз. Чунки, сиз буни тушунишга қодир эмасиз.

Нодирнинг сўзлари бироз ғашимни келтирсада, жимгина тингладим. Тўлиб-тошган юрагини бўшатиб олишига қўйиб бердим.

"Тоғангиз" сўзим оғзимда қолди...

— Тоғам яхши одам эдилар. "Аёлнинг макрини, шайтонга дарс беришини" эшитгандирсиз? Қийинчиликлар ортда қолди. Аммо ўша "келинойим" мени уйлантирди, улардан бир умр қарздорман. Ҳозир оилам, икки фарзандим, машинам, шаҳар марказида 3 та дўконим бор. Бироқ, беғубор болалигим йўқ. Гўё оппоқ қоғоз. Шунинг учун бозорга чиққан болаларга кўмаклашаман. Уларнинг ёмон ҳулқли бўлиб қолишларидан асрашга уринаман. Балки, болалигимни йўқотиш эвазига келажагимни мукамал яратгандирман.

Билмадим, кўнглимга шундай тасалли бериб овунаман. Узоқ ўйланиб бўлгач: Овозимни борица "Болаларга беринг дунёни, кулги ва шодликлар билан тўлдирсин!" дея ҳайқиргим келади.

Нодирнинг сўзлари бурч, масъулият ва вазифаларини унутган ота-оналар учун сабоқ бўлса ажаб эмас.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



**32-ёзги олимпиада ўйинлари ўз ниҳоясига етди. Ёпилиш маросимини кузатар эканмиз дунёдаги барча халқ ва миллатларни бир жойга жамлаб, уларни ўзаро бирлаштирадиган бу даражадаги бошқа бирон тадбир бўлмаса керак, деган фикрга келдик. Ҳа, Токиодаги миллий олимпия стадионида 205 давлатдан келган 4 минг нафардан зиёд спортчи жам бўлди. Уларнинг ирқи, дини, тиллари бошқа-бошқа бўлса-да, аммо мақсадлари, туйғулари, кечинмалари бир хил эди. Бир жойнинг ўзида 205 хил давлат байроғининг ҳилпираши ҳам мўъжизанинг ўзи.**

Бу олимпиада ўзига хослиги билан ажралиб турди. Аввало, у бутун дунёда давом этаётган оғир пандемик вазият сабаб тўрт эмас беш йил деганда ташкиллаштирилди. Аммо “Токио 2020” номи билан аталди. Қолаверса, томошабинларсиз ўтказилди. Мусобақалар дастурига скалолазание, серфинг, скейт-бординг, баскетбол 3х3 каби спорт турлари ҳам киритилди. Токиода Ўзбекистон номидан 17 спорт тури бўйича 67 нафар атлет иштирок этди.



Якуний натижа эса 3 та олтин, 2 та бронза билан 32-ўрин. 5 йил аввалги Рио олимпиадасида 13 та медаль билан

21 ўринни банд қилган эдик. Бундан кўринадики, 5 йиллик тайёргарликнинг меваси биз кутганчалик натижа бермади. Энг ачинарлиси, спортчиларимизнинг аксариятида шижоат ва ғалабага бўлган интилишни кўрмадик. Рақибга босим ўтказиш, балл бўйича ортда қолаётганда ҳаракатни кучайтириш, бори-

тўғриси, мусобақаларда ҳакамларнинг нотўғри қарорларига ҳам кўп гувоҳ бўлдик. Баҳолашдаги адолатсизликларни кўриб, наҳотки, шундай тартибли ва ҳалол япон давлатида адолатнинг нархи бу қадар тушиб кетди, деган ўйга борасиз. Масалан, боксчиларимиз Мир-азиз Мирхалилов, Турсуно

ги босқичга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди. Бундай ноҳақликларга биз каби бошқа давлатларнинг вакиллари ҳам дуч келди. Аммо ҳеч қандай эътироз инобатга олинмади. Масалан, Франция номидан рингга чиққан боксчи Мурод Алиев ҳакамлар қароридан норози бўлиб, бир соат ринг четида ўтирди. Оқибатда, у бу хатти-ҳаракати учун мусобақадан бутунлай четлатилди. Токиода “Ҳакам ҳамиша ҳақ” қабилидаги шиор илгари сурилди назаримизда.

Нима бўлганда ҳам навбатдаги ва узоқ кутилган олимпиада ўз якунига етди. Биз уни дунё бўйича 32-чи, Осиёда 4-чи, МДҲда 2-ўрин билан якунладик. Бунинг учун вакилларимизга катта раҳмат деймиз. Энди навбат параолимпия ўйинларига.

**Нигора ТЎХТАМАТОВА.**

## ФИКР

Яқинда мен ҳам бутун дунё аҳли дучор бўлаётган корона-вирусга чалиндим. Тўғриси, шу пайтгача “сovid” ўзи нима, у касаллик мен учун йўқ, тан олмайман, кўзим билан кўрганман уни” қабилидаги фикрда юрардим. Бу вирусга жиддий муносабатда бўлмаганим учун ниқобдан ҳам фойдаланмас эдим. Аллоҳ тақдир қилса, қандай дуч келиб қолганингизни билмас экансиз...



Эрталаб кўзимни очганимда бел ва оёқ суякларим қақшаб, бошим қаттиқ оғир, томоғимда ҳам ўзгариш бор эди. Кун бўйи ишхонада шу каби оғриқлар ва ҳолсизлик билан юрдим. Камига иситма ва узоқ-узоқда бўладиган йўтал ҳам қўшилди. Бу ҳолат икки кун тўхтамади. Ана шундан кейин билдимки, танамда қандайдир нохушлик юз беряпти. Чунки шу пайтгача касал бўлсам, иситма ёки суяк оғриқлари кузатилмаган. Мен шу куни “Covid-19”га тест топширдим. Учинчи кун яқшанбага тўғри келди ва кечгача иситма безовта қилди. Тўртинчи куни эрталаб таъм ва ҳидларни билмаётганимни сездим. Ўша пайтда кўнғирок орқали топширган тестимнинг натижасини маълум қилишди ва дарҳол даволанишни бошладим.

Антибиоток қабулидан уч кун ўтиб, суяк оғриқлари, иситма йўқолди. Муолажа якунида нафас йўлларидаги оғриқ ҳам билинмай қўйди. Шу тариқа хасталик таъқибидан жуда тез қутулдим. Бу билан нима демоқчиман. Ҳозир вируснинг

кенг тарқалган даври. Республикамиз бўйича бир кунда 1000 дан ортиқ кишида корона-вирус аниқланмоқда. Агар сизда суяклар, бош оғриғи, мунтазам иситма, таъм ва ҳид билмаслик ҳолатлари намоён бўлса, фурсатни бой бермай, дарҳол шифокорга мурожаат қилинг. Токи вирус бронх йўллари-дан ўпка ва бошқа аъзоларга тарқалмай туриб, уни даволашга киришинг. Йўқса, касаллик кучайиб, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Менинг фикримча, хасталикка ўз вақтида эътибор бериб, даволанса, бемор тезда шифо топади. Чунки, тиббиёт корона-вирусни даволашда керакли тажрибага эга бўлиб улгурди. Ўзидаги ҳолатга бефарқ бўлиб, вируснинг ривожланишига замин яратиб берганлар оғир аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шундай экан, доимо кучли иммунитет билан юришга ва соғлом ҳаёт кечиришга ҳаракат қилинг. Зеро юқори иммунитет ҳар қандай дардга қарши энг яхши муолажадир.

**ОСИЁ.**

## Хориж кутубхонасидан

**Ҳикоя қилинишича, бир киши ўзининг бахил ўртоғиникига меҳмонга борди. Уй эгаси ўғлини чақириб, “Ўғлим, уйимизга биз учун азиз бўлган дўстимиз меҳмон бўлиб келди. Қассобга бориб, ярим кило энг яхши гўштдан олиб кел” деди. Бола қассоб олдида кетди. Орадан маълум вақт ўтиб, қуруқ қўл билан қайтиб келди. Отаси ундан “гўшт қани?” деб сўради.**

## БАХИЛНИНГ УЙИДА...

Бола: “Қассобга бориб, “Бизга энг яхши гўштдан берар экансиз” дедим. У менга “Сенга сариёғдек гўшт бераман” деди. Мен ўзимча “Агар у шундай қиладиган бўлса, нега гўшт ўрнига сариёғ олмайин?!” дедим-да, баққол ёнига кетдим.

Бориб, “Бизга энг яхши сариёғингиздан берар экансиз” дедим. У “Мен сенга асалдек сариёғ бераман” деди. Ўзимча “Агар шундай қиладиган бўлса, яхшиси, асал ола қоламан” деб ўйладим. Шу ўй билан асалфурушга кетдим.

Бориб, “Бизга энг яхши асалдан берар экансиз” дедим. Сотувчи “Мен сенга мусаффо сувдек асал бераман” деди. Ўзимча “Агар шундай қиладиган бўлса, уйимизда мусаффо сув бор-ку” дедим-да, ҳеч нарса олмай келдим” деб жавоб берди.

Ота ўғлининг гапларини эшитгач, “Нақадар ақлли боласан. Лекин бир нарсани ўйламабсан. Бир дўкондан бошқасига боргунингча пойабзалинг эскиргандир” деганди, ўғли “Отажон, мен меҳмон амакининг пойабзалини кийиб бориб-келдим” деди.

Бола бахилликда отасидан ҳам ўтиб кетган эди. Бу эса нотўғри, хунук тарбиянинг оқибатидир.

Ҳа, фарзандлар ота-оналари қандай тарбия қилса, нималарга одатлантирса, шундай тарбия топиб улғайишади. Шунинг учун улар фарзандларига гўзал ахлоқни ўргатишлари, ўзлари бу борада намуна бўлишлари керак.

**Н. ИМИНЖОНОВ**  
таржимаси..

Кимсасиз биёбон бўйлаб узоқ йўл босган, ҳорғин сайёҳ ниҳоят гўзал масканга дуч келибди. Гулга бурканган қаср олдидаги дарвоза оғасидан сўрабди:

— Биродар, бу қандай жой?

— Жаннат. Сен бемалол кириб, чарчоғингни ёзишинг мумкин.

— Ичгани сув топиладими?

— Хоҳлаганингча бор.

— Егулик-чи? — яна сўради йўлчи.

— Кўнглинг тусаганидан тановул қиласан.

— Итим менга ҳамроҳ...

— Итларни киритмаймиз. Уни дарвоза олдида қолдир.

Бунинг эшитган сайёҳ нари кетибди. Маълум муддатдан сўнг яна сўлим бир гўша олдида чиқибди. Томоғи қақраб, сўрабди:

— Жуда чанқадим...

— Ҳовлида қудуқ тўла сув, — жавоб қилибди дарвоза оғаси.

— Кучугим учун-чи?

— Қудуқ олдида охури қўйилган.

— Тановул қилишга бир нима борми? — яна сўрабди толиққан инсон.



— Кечки овқат тайёр бўлган.

— Тўрт оёқли дўстимга-чи?

— Уни ҳам хафа қилмаймиз.

Мамнун йўловчи қандай жойга келиб қолгани билан қизиқибди.

— Бу ер жаннат, — дебди дарвоза оғаси.

— Аввалги кимса жаннат бизнинг қасрда, деган эди-ку?

— Гаплари ёлғон. У ер дўзах. Дўстларини ташлаб кетмайдиганларгина жаннатга эришадилар.

**Саидахмад ШУКУРОВ**  
таржимаси.

Турфа неъматларга  
Тўлди боғ-роғлар,  
Гўё жаннатдасан  
Бундайин чоғлар...



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат-лавҳа.

Экспертларнинг фикрича, бунга ўрмон, океан ва тупроқ ўз вазифасини илгаригидек етарлича бажара олмаётгани сабаб бўлмоқда.

Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи Ер илгари ҳисоб-китоб қилинганидан кўра тезроқ исиб бораётганини маълум қилди.

## ИҚЛИМ



### ЕР ЮЗИДАГИ ҲАРОРАТ рекорд тезликда ошаётгани айтиляпти

Олимларнинг ҳисоботида қайд этилишича, дунё бўйича ўртача ҳарорат 1,1 даражага кўтарилган. Бу эса 2040 йилга бориб ўртача ҳарорат 1,5 даражага ошишини билдиради. Бундай ҳолда иссиқ тўлқинлар, шамоллар, қурғоқчилик, сув тошқинлари ва ёнғинлар янада кўпроқ содир бўла бошлайди, музликлар эриб қулайди.

Шунингдек, тропиклардаги илиқ оқимни шимолий яримшарга олиб борувчи Атлантика оқимлар тизими секинлашган. Агар у бутунлай тўхтаб қолса, Европадаги қиш фасли янада совуқ бўлади, Шимолий Атлантикадаги сув сатҳи эса сезиларли даражада кўтарилади. Маълумот берилишича, 1900 йилдан буён дунё океани сатҳи 20 сантиметрга кўтарилган. Бундан ташқари, инсон фаолияти сайёра исишига олиб келмоқда.

## “HAMKORBANK” АТБНИНГ 30 ЙИЛЛИК ТЎЙИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ!



“SAMERTEKS-GILAM” МЧЖ жамоасининг 2013 йилдан бери ривожланиши ва фаолиятининг самарали бўлишида банкингиз кўмаги алоҳида ўрин эгаллаб келаётганидан мамнунмиз.

Бундай қутлуғ санада муассаса ишига ривож, жамоа фаолиятига улкан муваффақиятлар тилаймиз. “Hamkorbank” АТБ мамлакатимиз банклари орасида доимо ўзининг алоҳида ўрни ва салоҳиятига эга. Бундан кейин ҳам биз каби тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори бўлишига ишонамиз.

“SAMERTEKS-GILAM”  
МЧЖ ЖАМОАСИ.

Реклама

Сени касоду  
инқирозга учрашдан  
огоҳ қилувчи  
кишига лутф  
билан муомалада  
бўл. “Қўрқма”,  
“зарари йўқ”,  
“зиёни йўқ”, деб  
юпатувчилардан  
узоқроқда бўл.

Маҳмуд  
аз-ЗАМАХШАРИЙ.



МУАССИС:

“HAMKOR PRESS” МЧЖ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси Президенти  
администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар  
агентлигида  
2021 йил 19 майда  
1181 рақам билан  
қайта рўйхатга олинган  
Индекс: 460  
e-mail:  
hamkor.press@mail.ru

Газета “Hamkor Press”  
таҳририяти компьютерида  
терилди ва саҳифаланди.  
Нашр учун масъул:  
Н.ТУХТАМАТОВА  
Саҳифаловчи:  
А. КАБИРОВ  
Манзилимиз:  
Андижон шаҳри,  
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.  
Тел: 78 298-01-07

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00  
Топширилди - 20.00  
Қоғоз бичими - А3  
Буюртма: Г-749 Адади: 6029  
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда  
келишилган  
нархда.